

Сизга рўза фарз қилинди



16:43 / 01.06.2018 3485

Муфассир олимлар Қуръоннинг “сизга рўза фарз қилинди” оятини, рўза ҳар бир аъзо учун фарз қилинган дейдилар. Тилнинг рўзаси фаҳш, ёлғон, ғийбатдан, қулоқники –ман қилинган нарсаларни тингламаслик, кўзники – ман қилинган нарсаларга қарамаслик. Худди шундай бошқа тана азолари ҳам. Бахиллик ва эхтирослардан сақлашнишлик ҳам нафс рўзаси дейилади. Юракнинг рўзаси – уни дунё муҳаббатидан бўшатиш, қалбнинг рўзаси – охират қувончларини кўзлаш, ва сиррихос бу (юракнинг бир қисми) Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсадан воз кечиш.

Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам агар киши узрсиз Рамазон ойининг бир кунини ўтказиб юборса, унинг ажрини бир умр рўза тутиб ҳам топа олмаслиги ҳақида хабар берганлар.

Кўпчилик уламолар бу ҳадисга асосланиб қуйидаги фикрни маъқуллашади, яъни Рамазоннинг йўқотилган бир куни ҳам, умр бўйи рўза тутишлик билан ўрнини тўлдиролмайди. Рўза тутиб, кейин қасддан очиб юборган инсон каффорат сифаттида олтмиш кун кетма кет рўза тутиб беради шунда бўйнидан фарз соқит бўлади. Лекин ўтказиб юборилган рўза даражасидаги савобга эга бўлмайди.

Ҳадиснинг хикмати мана шу ерда, муборак ойда рўза тутиб олинмаган барака ва савоб топилмаслигидир.

Энди ҳозирги пайтда умуман рўза тутмай юрганлар ҳақида нима дейиш мумкин ?

Рўза Ислоннинг бир аркони. Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай уқтирганлар, Ислон беш нарса устига бино қилинган. Тавҳид ва пайғамбарликка иймон, кейин қолган тўртаси: намоз, рўза, закот ва хаж. Ҳозирги кунда аҳолини сонини ёзиб борганда кўпчилик ўзини мусулмон деб номлайди, лекин бу Ислоннинг рукнларидан бирортаси уларда топилмайди. Майли қоғозларда ўзларини мусулмон деб номлайверишсин, лекин Аллоҳнинг рўйхатида уларни мусулмонлардан деб ёзилишармикан?

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтган эканлар:” Ислон 3 асосга бино қилинган улар. Калимаи шаҳодат, намоз ва рўза. Ким булардан бирини инкор этса у кофирдир.

Фарз амалларни менисмайдиганлар Аллоҳнинг азобидан огоҳ бўлишсин, ўлимдан ҳеч ким қочиб қутула олмас. Дунё лаззати ўткинчидир, фойда келтирувчи нарса эса –фақат Аллоҳга итоат.

Кўп жоҳиллар рўза тутмаслик билангина чегараланадилар, аксар одамлар яна чуқурроқ туғёнга кетиб куфрга олиб борувчи калималарни айтиб юборишади. Масалан, “Рўзани ейишга ҳеч нарсаси йўқлар тутсин”, ёки “Аллоҳга бизни оч юрганмиздан нима фойда” ва х.к.з.

Бу гаплардан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Озгина тафаккур қилиш керак, дин арконлари устидан кулиш –гарчи кичик амал бўлса ҳам- кишининг иймондан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Агар бир киши умри давомида умуман намоз ўқимаган , рўза тутмаган ва бошқа фарзларни умуман қилмаган бўлса, лекин шу билан бирга уларни инкор этмаса, ундай одамни куфрга ҳукм қилинмайди. Бажармаган фарз амали учун унга гуноҳ бўлади. Бажарган солиҳ амаллари учун ажр олади. Лекин динда бирор рукн устидан кулиш – бу куфрдир, умр бўйи қилинган барча яхши амаллар хабата бўлиб кетади. Шундай экан рўза ҳақида юқоридагидек сўзларни гапиришдан сақланиш керак.

Лекин диннинг бирор рукнининг устидан кулмаса-да ва шунга ўхшаш амалларни қилмаса-да, аммо рўза тутмаса у киши катта гуноҳкор бўлади. Ҳаттоки, уламолар Рамазонда узрсиз оғзи очиқ юрадиган одамни ўлимга лойиқ деб айтишган. Бу жирканч иш учун унга нафратни ифодалашдан ҳеч ким озод этилмайди. Қалбда бу амални гуноҳ санашлик иймоннинг энг кичигидир.

Аллоҳ барчамизни Ўзинг рози бўладиган амалларни қилишимизни насиб айла!